



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажак
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиққа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 18 март, №61 (3173)

Сешанба

ЕХХТНИНГ ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ

Пойтахтимизда "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилотининг (ЕХХТ) гиёҳванд моддалар ноқонуний савдосининг миллий ва халқаро миқёсдаги иқтисодий оқибатларига бағишланган халқаро семинари бошланди.

У ЕХХТнинг шу йил 20-23 май кунлари Прагада бўлиб ўтadиган 11-Иқтисодий анжуманига тайёргарлик доирасида ташкил этилди. Нидерландия раислик қилаётган ЕХХТнинг 2003 йилдаги фаолияти ҳам айнан одамлар, ўқотар куроллар ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашга қаратилган.

Икки кунга мўлжалланган мазкур анжуманда 120дан ортиқ мамлакат вакиллари гиёҳванд моддалар ноқонуний савдосининг иқтисодий таъсирини аниқлаш ва яширин тарзда етказиб бериш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама этади.

Анжуманда асосий эътибор гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси, молиявий оқимлар ва ноқонуний йўл билан топилган маблағларни қонунийлаштириш, сармоя жалб қилиш муҳити, ноқонуний савдонинг наркотик моддаларни етказиб бериш тармоқлари билан ўзаро боғлиқ томонларига қаратилди.

Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ва унинг оқибатлари билан боғлиқ муаммолар бугунги кунда халқаро ҳамжамиятни қаттиқ ташвишга солмоқда. Гиёҳванд моддалар савдоси айрим ҳудудларда куролли моҳирлар келиб чиқиши, иқтисодий тушунлик, жамиятнинг қашшоқлашуви ҳамда жиноятчилик авж олишига сабаб бўлаётди. Биргина мисол, дунёдаги ўттиздан ортиқ куролли моҳирлар давом этаётган ҳудуддаги урушлар

гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосидан тушган даромад эвазига молиялаштирилган экан.

Келтирилган маълумотларда айтилишича, гиёҳванд модда истеъмол қилаётган шахс тўлайдиган пулнинг атиги бир фоизи оғуни етиштирган деҳқонга тегади. Даромаднинг қолган 99 фоизига эса дунё миқёсда ноқонуний савдода иштирок этаётган жиноий гуруҳлар эгалик қилади. Шунингдек, ушбу ноқонуний даромаднинг учдан икки қисми ривожланган мамлакатларда қолади. Қолгани ривожланаётган давлатларга тўғри келади. Яна бир маълумот: гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси, айниқса, ўттиз даврини бошдан кечираётган давлатлар иқтисодий таъсирга кўпроқ салбий таъсир этаётди.

Яна бир қўлфат шуки, гиёҳванд моддалар савдосининг кенг тармоқ отиши ОИТС тобора кўп тарқалишига сабаб бўлмоқда. Бу эса жамиятда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқараётди. Шу боис ЕХХТнинг Прага анжумани олдидан ўтказилган мазкур семинарда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши қаратилган аниқ йўналишлар бунинча мунозаралар бўлиши кутилмоқда. Жумладан, Афғонистонда етиштириладиган ва Марказий Осиё, Кавказ ва Жануби-шарқий Европа орқали Фарбий Европага етказилётган героин, сунъий гиёҳванд моддалар, прекурсорларнинг ноқонуний савдоси

чуқур таҳлил этилади. Ушбу муаммони бартараф қилиш борасида аниқ таклифлар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, анжуманда иштирок этаётган юздан ортиқ эксперт гиёҳванд моддалар савдосининг муайян мамлакатлар иқтисодий таъсирини, сармоя жалб қилиш муҳити, аҳолини иш билан таъминлаш шароити ҳамда ишлаб чиқаришга қўраётган салбий таъсири билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳукумати, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда дунё ҳамжамияти, халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётди. Чунки мазкур муаммонинг оқибатлари Ўзбекистон учун бегона эмас. Қўшни Афғонистон чорак асрлик уруш туфайли дунёда энг кўп гиёҳванд модда етиштириладиган мамлакатга айланди. Марказий Осиё оғунини Европа мамлакатларига етказилишида асосий қарвон йўлига айланиб қолди. Афғонистоннинг халқаро террорчилар уюсига айланишига ҳам гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси асосий сабаб бўлганлиги сир эмас. Тўғри, ҳозир Афғонистоннинг янги ҳукумати гиёҳванд моддалар етиштирилишига барҳам бериш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Бироқ, мамлакат ҳали халқаро ҳамжамият ёрдамига муҳтож. Бу эса муаммага қарши кураш халқаро миқёсда жипслашувни тақозо этаётганига яна бир далил-дир. Тошкент анжумани бу йўлдаги далил оқимлардан биридир.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири.



Андижонда чигит экиш қизғин

Диёримизда сўлим баҳор кезмоқда. Қир-адирлар кўм-кўк майсаларга, баҳорни иштиқ кутган боллар гулларга бурканган. Баҳорнинг ҳар дақиқасини ганимат билан деҳқон эса аллақачон енг шимариб ерга барака уруғини қадашга киришди.

Андижон вилоятининг кўпгина хўжалиқларида чигит экиш ишлари авжида. Айниқса, избосканликларнинг бу йилги шайти ўзгача. Тумандаев Абдуасат Тиллабоев номидagi ширкат хўжалигида шу кунгача 450 гектар ерга барака уруғи қадалди. Эътиборли томони шундаки, мазкур хўжалик деҳқонлари чигитни пленка остига гербицид билан дорилаб экиди. Бу эса уруғлини тез ва беҳато узиб чиқиши билан бир қаторда ўза ниҳолларини ёввойи ўтлардан

асрайди. Айни пайтда уларнинг чигит экиш услубини республикамиз вилоятларидан мутахассислар келиб ўрамоқдалар.

Мазкур хўжаликда 10 та экиш селласи унум билан ишлатилиб, уларнинг ҳар

бири билан кунига 8-10 гектар майдонга чигит экишга эришилмоқда. Мақсад ҳар гектар ердан 32,5 центнердан ҳосил кўтаришдир. Бугунги ҳаракат эса кузда барака келтириши, шубҳасиз.



СУРАТЛАРДА: тракторчи Жўрабой Ғаниев, ижарачи Руслан Мажидов ва бош пудратчи Исмомил Абаков; чигит экиш жараёни. Рўздат ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

И.М.Мустафоевни Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Исан Муртазаевич Мустафоев Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

И.М.Мустафоевга Фавқулодда ва Мухтор Элчи дипломатик мартабасини бериш тўғрисида

Исан Муртазаевич Мустафоевга Фавқулодда ва Мухтор Элчи дипломатик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

В.И.Норовни Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Владимир Имомович Норов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 март.

Олий Мажлисида



МАҲАЛЛА, ОИЛА ВА МАКТАБ

тизимини ёш авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутди

Кеча Олий Мажлисида «Усиб келаётган авлодни тарбиялашда маҳалла, оила ва мактабнинг роли» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Парламентнинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси томонидан ташкил этилган анжумани мазкур комиссия раиси Ш.Салимова олиб борди.

Илмий-амалий анжуманда таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ички ишлар тизимлари, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашди. Анжуманда «Уқувчи ёшларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини ташкил этиш борасида 2002-2005 йилларга мўлжалланган иштироб дастурини ҳамда «Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги концепцияси» ижросини амалга ошириш борасида қилинаётган ишлар ҳақида атрофича сўз юритилди.

Чунончи, таълим муассасаларидаги фан тўғрақлари, спорт секциялари, клублар ва студияларга республика бўйича 3 миллион 200 миңдан зиёд ўқувчи ёшлар, 621 та мактабдан ташқари таълим муассасасига эса 513 миң нафар ўқувчи жалб қилинган бўлиб, улар турли касб сирларини ўрганишмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги 8160 та маҳалла-мактабнинг 7 миңдан ортиғида педагог-тарбиячилар иш бошлаган.

Илмий-амалий анжуманда ўзини бозорга урган болалар муаммоси, ёшлар ўртасида жиноятга мойилликнинг сақланиб қолаётгани, ўсиб келаётган авлодда ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги сабабларини чуқур ва атрофича таҳлил қилиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Анжуманда қўрилган масалалар юзасидан тавсиялар қабул қилинди.

ЎЗА мухбири.

«Ўзбекистон — бугун»

онлайн — фотогалереяси очилди

Интернетдаги www.uzgallery.uz адреси бўйича «Ўзбекистон — бугун» деб аталган онлайн-фотогалерея очилди. Фотогалерея ҳозирги Ўзбекистон ҳаётининг турли жиҳатларига бағишланган 10 та бўлимдан иборат.

Сайтда таъкидланишича, «бу ерда ўзбек халқининг бой маданияти ва анъаналари, ноёб меъморий ёдгорликлари, иқтисодий, соғлиқни сақлаш тизими ва спортни ривожлантириш, республикада яшаватган миллат ва эллар ҳамда бошқа кўп маъзулар ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратларини топширингиз мумкин».

Галерея Ўзбекистон Президентининг Матбуот хизмати, UzPAK Маълумотлар ушунинг тармоғи корхонаси, Ўзбекистон ташқи иқтисодий ахборот тижорат маркази, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) ва «Жаҳон» ахборот агентлиги сай-ҳаракатлари натижасида ташкил этилди.

Фотогалерея янги суратлар билан мунтазам бойитиб борилади.

(ЎЗА).

ЯНГИ ТЕГИРМОН, ЯНГИЧА СИФАТ

«Намангандонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик бирлашмасининг бош корхонасида бундан қирқ йил илгари ўрнатилган ва эндиликда эскириб яроқсиз ҳолга келган ускуналар ўрнини Швейцариянинг жаҳонга машҳур «Бюлер» фирмаси лицензияси асосида Россия ҳамда Украина мутахассислари томонидан тайёрланган замонавий дастгоҳлар эгалланди. Янги тегирмоннинг унумдорлиги анча юқори. Унда суткасига 250 тонна донни янчиб, уч хил навадаги импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулот олиш мумкин. Йиллик қувват 60 миң тонна ун ва 20 миң тонна омхта емини ташкил этади.

«Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорациясига қарашли «Олтин хирмон» жамоа корхонаси мутахассислари технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаган тегирмоннинг дастлабки маҳсулоти жамоатчилик кўритидан ўтди. Тақдирот маросимида иштирок этганлар ислохотлар самарасини бўлган янгиликнинг афзаллиқларига юқори баҳо берди.

ЎЗА мухбири.

«KAPLANSER — SAM» ИШ БОШЛАДИ

Жойларда иқтисодийни жадал ривожлантиришда хоржлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда барно этилаётган кўшма корхоналарнинг улуши тобора ортиб бормоқда. Самарқандда шундай корхоналар сони яна биттага кўнайди. Сиб туманида туркиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «KAPLANSER-SAM» кўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Маъсулияти чекланган жамият сифатида ташкил этилган мазкур корхонада турли шакл ва дизайнлиги гилемлар тўқилади. Маҳсулотнинг асосий қисmini хоржга экспорт қилиш кўзда тутилган.

У. РЎЗИЕВ,
ЎЗА мухбири.

Хитой ипаги азалдан дунёга машҳур. Унинг хомашё бозорига кириш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бўжоро пиласи бунга йўл топа олди. Ана шундай харидоригр маҳсулот бундан икки йил муқаддам Хитой билан ҳамкорликда барпо этилган Ўзбекистон-Хитой «Бўжоро-Хавшен КолТД» кўшма корхонасида тайёрланмоқда. Жаҳон андозларига мос ипак калава ишлаб чиқараётган корхонанинг биринчи

«БУХОРО — ХВАШЕН КОЛТД» ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

навбати ишга тушганда 320 нафар, бир йилча ўтиб, иккинчи навбати фойдаланишга топширилди. Сифатли ипак калаваларига буюртмалар мамлакатимиздаги турлош корхоналардан ҳам келиб турибди.

Хитой бозорига яқиндагина қирқ тонна маҳсулот жўнатилади. Сифатли ипак калаваларига буюртмалар мамлакатимиздаги турлош корхоналардан ҳам келиб турибди.

Илхом САҒАР,
ЎЗА мухбири.

Хайрия ҳашари баракали бўлди

Юртини ободлаштириш, кўкаламзорлаштириш, кесалар ва меҳмуруватга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш каби барҳаёт қадриятлар халқимиз томонидан асрлар оша эълоб келинаётди. Мамлакатимизда аждоқлардан мерос бўндай эзу анъаналарини давом эттириш, инсон камолотидаги ўрнини улайиб келаётган авлод шурғида синдиришга асосий эътибор қаратишмоқда.

Бу борада 2003 йилнинг Обод маҳалла йили, деб эълон қилинганлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг республикамизда санитария-эпиде-

миологик вазиятни янада яхшилаш, аҳоли яшаш жойларини ободлаштиришга доир кўкдагми ишларни ташкил этиш ва Наврўз умумхалқ кўрнисида нишонлашга тайёргарлик кўришга қаратилган Фармойишида белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг аҳамияти катта бўлди.

Мазкур Фармойишга биноан 15 март кунин республикамизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Ҳашарини ўтказиш Республика ички гуруҳидан олинган маълумотларга қараганда, унда 10 миллион нафардан кўпроқ киши иштирок этган.

Талбирда ёшлар, айниқса, фаол қатнашди. Бу улғайиб келаётган авлоднинг қадимий урф-одатларини сақлаш, Ватан равақига муносиб улуш қўйишга интилаётганидан далолатдир.

Шу кунин 321 миң гектардан кўпроқ майдон ободлаштирилди. Минглаб тул манзарали, мевали усимлик ва гул қўчатлари ўтказилди. Ариқ, зовур ва бошқа сув йўллари тозаланди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди.

Умумхалқ хайрия ҳашари мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди, барча ташкилот, корхона, муассаса ва маҳалласида кўтаринки руҳда ўтди.

Ҳашарда ишлаб топилган қарийб 400 миллион сўм пул «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисоб рақамига йўналтирилди. Бу маблағ республикамизда болалар спортини ривожлантириш, маҳаллалар фаолияти, унинг ёшларни тарбиялашдаги ўрни ва ролини кучайтириш, халқимизнинг эҳтиёжидан қисмини қўллаб-қувватлаш, кесалар, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш, ижтимоий ҳимоялашга қаратилди.

Ҳашар кунин 2 миң 40 погонometr ҳажмидаги ариқ, ирригация лотоклари тозаланди.

Барча маҳаллалардаги болалар спорт майдончалари тартибга келтирилди ва жиҳозланди. Санаят корхоналари, катта-кичик фирмалар уша кунин меҳнат ҳақларини хайрия ҳашари ҳисобига ўтказдилар. Фақат бюджет муассасаларидан тушган маблағ 53 миллион сўмга яқинини ташкил этди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

Боғларда баҳорий табассум

САМАРҚАНД

Хайрия ҳашари байрам тусини олди. Яхши ният билан дарахт ниҳоллари, гул қўчатлари ўтказилди, манжул дарахтлар оқланди, ариқ-зовурлар тозаланди ва яна қанчадан-қанча ободлаштириш-кўкаламзорлаштириш тадбирлари бажарилди. Ҳашарда 907490 киши иштирок этди. Уларнинг гайрати туфайли шаҳар ва қишлоқлардаги 1062 мавзе ва маҳаллаларда 2 миллион 257 миң 202 тул мевали ва манзарали дарахт қўчатлари экилди. 299 миң 417 квадрат метр ҳажмидаги майдонлар ободлаштирилди. 7 миллиондан ортиқ дарахт оқланиб, 1 миллион погонметрга яқин ариқ ва ирригация шохобчалари фойдаланишга шай ҳолатга келтирилди.

Самарқандликлар ана шу талбир туфайли республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими

ҳисобига 254 миллион 300 миң сўм маблағ кўчирилган бўлишида.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАРҒОНА

Бу ерда бўлиб ўтган умумхалқ ҳашарида 1 миллиондан зиёд киши иштирок этди. Деярли барча ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотларда жўшқин меҳнат ҳукмрон бўлди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, шу кунин ишлаб топилган 400 миллион сўмдан зиёд маблағ шанбаллик фондига — «Маҳалла» жамғармаси ҳисобига ўтказилди. Бундан ташқари 194 миң дона манзарали, 124 миң тул мевали, 150 миң дона гул қўчатлари ўтказилганлиги ҳам тадбирнинг уюшқоқлик билан ўтганлигини далолатдир. 427 километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозала-

ниб, тартибга келтирилди.

Қувалиқлар тадбиркор Хурматилда Ҳакимов шу кунин 40 нафар йилгича суннат тўйи ўтказиб берди. Эътиборлиси шундаки, шу кунин тўболаларнинг 90-100 ёшли момоболалари ҳам олтин тўйларини нишонладилар.

Олтириқликлар эса шанбаллик кунин ишлаб топилган салкам 10 миллион сўм маблағни шанбаллик фондига — «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисобига ўтказиб беришди.

Н. СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖИЗЗАХ

— Жамғармаимиз ҳисоб рақамига ҳозиргача 80 миллион сўмга яқин пул тушди. Корхона ва ташкилотлардан, алоҳида фуқаролардан маблағлар келиши давом этапти, — де-

йишди бизга шанбалликнинг эртаси кунин Жиззах вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармасида бўлганимизда.

Шу кунин вилоятда унлаб янги боғлар яратилди, ўтказилган мевали қўчатларнинг сони 1 миллион 300 миң тулдан ортиб кетди. Талаба ва ўқувчилар «Фажрийлар қисбони», «Богнамол» дам олиш маскани, «Бошлар бони»да қўчатлар, гуллар ўтказилди.

Ҳашар кунин 2 миң 40 погонometr ҳажмидаги ариқ, ирригация лотоклари тозаланди.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Орамиздаги одамлар

I.
Ингилиш белгиланган вақтда бошланди.
— Президент Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда ёқилги-энергетика мажмуини ривожлантиришга устувор аҳамият берилгани туфайли қисқа муддат ичида энергетика мустақиллигига эришдик, — деди нотиқ. — Бугунги кунда республикада мавжуд электр станцияларининг жами қуввати 1420 мегаваттдан иборат бўлиб, электр тармоқларининг узунлиги эса 224 минг километрдан зиёддир. Юртимиз саноят ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг тўртдан бири қисми ана шу тизим ҳиссагига тўғри келмоқда.
Шу лаҳзада залда ўтирган электр станциялари директорларининг кўнглидан қандай ўй ўтди? Қандай туйғулар уларнинг юрагини забт этди? Турсунбой Мирзарахимов уларни билмади-ю, аммо ўзининг бутун вужудини гурур, фахрийлик ҳислари чуқраб олганини сездим. Чунки мамлакатимизда энергетика мустақиллиги таъминланишида унинг ҳам муносиб улуши бор эди-да.
Ногаҳон унинг кўз олдига болалик йиллари, ўзи босиб ўтган умр фасллари сийратланди.

II.
Турсунбойнинг болалиги Қорадарё бўйида, Кампирравот қишлоғида кечди. Ушанда бу гўзал ва хушбағ ва гушанинг номи вақти келиб жаҳон харитасидан жой олишини ҳатто қишлоқнинг энг билимдон кишиси — Абдуфаттоҳ муаллим ҳам туш кўрмаган эди. Қорадарё дегани Ясени,

Қорағулжа дарёлари ва Куршобсейнинг қишлоқидан ҳосил бўлган бўлиб, йилнинг тўрт фаслида ҳам сув аримас ва у ҳаммашасрий қўшинини қуйлаганча жўшиб-тошиб оқарди. Турсунбойнинг эсида, 1964 йили шу дарёнинг икки соҳилини аввалига аллабало русумли машина-механизмлар босиб кетди. Кейин жез қалпоқли қурувчилар пайдо бўлишди. Улар «Биз бу жойда дунёда энг каттақон «Кампирравот» сув омборини курашимиз. Унда йилига 1 миллиард 750 миллион куб метр сув йиғилади. Бу ишлар баробарида яна Хонобод шаҳрини бунёд этамиз. Унда қурувчилар оилалари яшайди», дейишди.
Бу гапга бирор ишонди, бирор ишонмади. Лекин олдидан тузилган лойиҳа асосида қурилиш ишлари, яъни дарёни тўсиб, баҳайбат тўғон бунёд этиш юмушлари аллақачон бошлаб юборилган эди. Муҳими, ушбу улкан ишнинг сабаб кўпчилиги ишла бўлди. Жумладан, 1969 йили ўрта мактабни тугатган Турсунбой ҳам бунёдкорлар сафига қўшилди. Сунгра у хунар-техника билим юртини тамомлагач, 1-қурилишмонтаж бўшқармасида электромонтёр бўлиб ишлади.
Бўлажак сунъий денгиз

политехника институтига ўқишга юборди. У мазкур даргоҳни муваффақиятли битириб, электр станцияси муҳандиси ихтисослигини эгаллади-ю, яна Кампирравотга қайтди. Дастлаб электрмеханик, катта муҳандис-энергетик ва ниҳоят, бош энергетик лавозимларида фаолият юритди.
1983 йили Турсунбой Мирзарахимов Хонобод шаҳрида янги фойдаланишга топширилган Андижон ГЭС иннинг бош муҳандиси, 1987 йили эса унинг директори этиб тайинланди.

III.
Андижон ГЭСи қурилиши 1979 йили бошланган эди. Тўрт йил мобайнида тўртта трубина барпо этилди. 1984 йили сув омбори ҳам тўлиқ ишга туширилиб, қишлоқ хўжалиги экинлари вегетацияси даврида унда тўпланган сув дарё ва каналларга очиб юборилди. Бу оби-ҳаёт ҳисобига эса ана шу трубиналарнинг ҳар бири ердимида соатига 35 минг киловатт, жами 140 минг киловатт электр қуввати ишлаб чи-

қариш йўлга қўйилди.
Шу тарихда республика энергетика тизимида яна бир ГЭС пайдо бўлди. Ва у ягона электр тармоғига уланди. Биринчи йили меҳнат аҳли бу тармоққа 202,2 миллион киловатт-соат электр қуввати етказиб берган бўлса, ўтган йили ушбу кўрсаткич 3 баравардан кўпроқни ташкил қилди.
1996 йилга қалар нурчилар ижара пудратига ишлатилар. Ижара пудратининг афзаллиги шунда эдики, жамоа ишлаб топган даромад бунёдкорлик ишларига, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларига ишлатиларди. Хусусан, 1993-1996 йиллар мобайнида ГЭС қурувчилар бригадаси «Кампирравот» маҳалласида 3 қаватли, 840 ўринли замонавий мактаб биносини қуриб, Хонобод шаҳар халқ таълими бўлими ихтиёрига топширди. Кейинчалик бу мактаб электр станцияси учун кадрлар тайёрлайдиган илм маскани бўлиб қолди. Бундан ташқари, улар ГЭС маблагини ҳисобига шу маҳалладаги 500дан кўпроқ хонадонни газлаштириб бердилар, навқирон шаҳарини янада обод ва гўзал бўлишига ўз ҳиссаларини қўширди. Бу юмушлар ҳозир ҳам давом этмоқда.
Яна бир эътиборли томони шуки, Вазирад Маҳкамасининг 1995 йил 23 де-

кабрдаги 476-сонли қарори-га биноан, кейинги йилларда станция томонидан солинган электр қувватидан тушган даромад мамлакатимизда янги кичик ГЭСларни барпо этишга сарфланмоқда. Бундай электр станциялари эса анчагина. 2-Андижон ГЭСи, Шоҳимардон ГЭСи, Оҳангарон ГЭСи...
Айни пайтда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувэнерго» бирлашмаси тасарруфидоги Андижон ГЭСида 104 нафар киши меҳнат қилмоқда. Бог-роларга бурканган 5 гектар майдонда улар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Масалан, ошхона, чойхона, дам олиш гушалари, сафо дўконлари, спорт майдончалари, ҳаммом ва душлар мавжуд. Андижон-сой соҳилдаги электр станциясига қарашли болалар оромгоҳи эса ҳар йили нурчиларнинг 350 нафар фарзанди ҳордиқ чиқариб, саломатлигини тикламоқда.

IV.
Нурчилар сардори, «Дўстлик» ордени соҳиб, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги алоҳисси, тўқтин хондон эгаси, беш ўғилнинг отаси... Бу обрў ва эътибор, ишонч ва эътироф, бахт ва саолат, таъбир жоиз бўлса, Турсунбой Мирзарахимов умр фасллари битилган китобнинг ёрқин зарварларидир. Бунга у ўз меҳнати, билим

ва салоҳияти, саъй-ҳаракати, ташаббуси, инсоний фазилатлари туфайли ва албатта «Кампирравот» сув омбори шарофати орқали эришди. Шунинг учун Турсунбой ака ҳаммашасрий ашукор қилади, эл-юрт қорига яраётганидан ўзини бахтиёр ҳис этди. Шодмонлигининг яна бир сабаби — сув омборида тўпланган оби-ҳаёт Фарғона водийси даладарини ҳамон гуллаб-яшнамоқда, Андижон ГЭСи шаҳар ва қишлоқларга нур элтмоқда. Бунёдкорлар шаҳри — Хонободда эса турли миллат вакиллари аҳил яшаб, юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилмоқдалар.
... Турсунбой Мирзарахимов шуларни хаёлидан ўтказаркан, президиум тарафдан эшитилган овоздан бирдан сергак тортиди. Ингилиш раислик қилувчи унга сўз берган эди.
— Бизнинг жамоамиз ўтган йили белгиланганидан анча кўп — 632,4 миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқариб, 3 миллиард сўмдан зиёд даромад олди, — деди у. — Бу 2001 йилдагидан 1 миллиард сўм ортиқдир. Муҳими, ана шу маблаг мен масъул бўлган 2-Андижон, Оҳангарон ва Шоҳимардон ГЭСлари қурилиши жараёндарини янада жадаллаштириш имконини беради. Ҳозирги кунда мазкур объектларда иш белгиланган режа асосида олиб борилапти. Тез орада улар фойдаланишга топширилагач, биринида соатига 50 минг, иккинчисида 21 минг, учинчисида эса 2,1 минг киловатт электр қуввати ишлаб чиқарилади. Бу ўз навбатида республикада энергетика тизими самардорлигини янада оширишга хизмат қилади.
Икром ЎТБОСАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Уруғчилик илмий асосда

Ер — ризку рўзимиз манбан. Албатта, ҳосил чўғи баракали бўлиши жуда кўп омиларга боғлиқ. Далани экишга сифатли тайёрлаш, экинни сув ва озунга тўйдириш, қатор ораларига пухта ишлов бериш каби агротехник юмушлар деҳқоннинг диққат марказида туради. Лекин бу талаблар ҳаммаси аъло даражада бажарилса-ю, уруғ сифатли бўлмаса, барча ҳаракатлар зое кетади. Шу боис миришкор деҳқонлар, энг аввало уруғчилик масаласини ижобий ҳал этиш ҳақида жон куйдиришади.
Бундан тўққиз йил муқаддам Сирдарё туманидаги «Дони» хусусий ишлаб чиқариш уруғчилик фирмаси ташкил этилганида баъзилар янги пайдо бўлган хўжалик субъектининг ишлари гуриллаб кетишига ишонмаган уруғчилик табиий. Дастлаб уруғлик намуналарини ихчам пакетларда олиб юрган фирма мутахассислари эндиликда Германия, Дания, Украина, Россия, Озарбайжон, Қозғистон, АҚШ ва Япония давлатлари уруғчилик фирмалари билан импорт ва экспорт фаолиятини йўлга қўйиш учун вагонлардан фойдаланишга япти.
Мана, 2002 йил якунларига оид баъзи кўрсаткичлар: «Дони» фирмаси кўрган соф фойда 19 миллион сўмдан ошди. Асосий воситалар 127 миллион сўмдан зиёд. Чет элларга юборилган уруғлик ҳажми 16 миллион 634 минг сўмни ташкил этди. Иш ўрни бир йилда 17 тадан 27 тага өтди.
Жами 15 тур экиннинг 38 нави бўйича уруғ етиштирилди. Помидорнинг «Дони-2000» нави шу ерда яратилди. Қалампир, лавлага, сабзи, қарам, пиёз, укроп, бақлажон, редиска, қовун-тарвузнинг серҳосил навлари илмий асосда замонавий технология воситасида етиштирилмоқда. «Дони» фирмаси тадбиркорлари «Ташаббус-2003» танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлишди.
Фирманинг Тошкент, Янгйер, Гулистон, Сирдарё, Бахт шаҳарларида савдо дўконлари ишлаб турибди. Хуллас, «Дони» етиштирган уруғчилик бутунги кунда ҳаммага манзур бўлмоқда.
Дилшод УСМОНОВ,
СУРАТДА: уруғлик маҳсул ускуналар воситасида сараланмоқда.

ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАР — БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИГА

Наманган тумани ҳокимлиги «Автоўл» ҳиссалорлик жамияти раиси Тоҳиржон Наврўзов кириб келди.
— Қурилиши мўлжалланган теннис мажмуини тиклаш ишларини ортиқча олмас, дегандим. Илк қишлоқларимиз етарли. Уми тезроқ битирасан, йўлсозларимиз, уларга қўшилиб тумандаги бутун ёш-яланлар учун ажойиб жой бўларди-да, — деди у.
— Ҳаншарбоби бўлмоқчиман, денг. Савоб истаган одамсиз-да, ўзингиз, — унинг тақдирларини маъқуллашди ҳокимликдагилар.
Йўлсозлар етакчиси мўлжалли пишиқ-пухта олган экан. Асосий юмушга ҳалал бермаган ҳолда ишчилар етти-саккиз ой қурилиш билан банд бўлди. Бу ишга ўқ машинчалари ҳам жалб этилди. Узиям роппа-роса 500 минг сўмлик иш бажарилди-да. Тақдирот маросими байрамга айланиб кетди. Унда вилоят ҳокими қатнашиб, миннатдорчилик рамзи сифатида Наврўзовга тўн ҳади

ми мудири Тоҳиржон Ҳасанов. — Ўқувчиларимиз дарсадан бўшани дегунча марказ ва теннис кортидаги машғулотларга ошиқибди. Айниқса, «Ёшлар маркази»да уюштирилган кечалар, қонунчилик, маданият-маърифий мавзуларга бағишлаб ўтказилаётган суҳбатларда фарзандларимиз фаол қатнашмоқдалар.
Бу туманда, шунингдек, аҳоли турар жойларини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Архив маълумотларига қараганда, бу ерда шўрлар даврида атиги 74 километрлик табиий газ тармоғи тортилган экан. Кейинги ўн бир йил ичида эса давлат капитал маблағлари ҳисобига, шунингдек, қорхона, ташкилот, хўжаликлар кўмағида 572 километр масофага юқори ва ўрта босимли газ қувурлари ётқизилди. Ҳатто энг олис қишлоқ — Элатанга

билдим олишяпти.
Хўжақишлоқ деган жойда мактаб биносини ҳашар йўли билан барпо этаётган маҳалла аҳлига дуч келдик. Айтишларича, 1936 йилда қурилган 22-мактабга қарашли йўлдош бино яроқсиз ҳолга келиб қолибди. Собиқ ўқувчи Бекўлат Аҳмадалиевнинг уни қайта қуриш ташаббуси билан чиққанидан сўнг бу хайрли ишга хайрихоҳлар кўпайибди. Аҳмадалиевнинг ўзи аввалига юз минг сўм, кейин фермер хўжалиги ҳисобидан бир миллион сўм берибди. Пенсонер Усмон ҳожи Луқмонов юз минг сўм ердан қилибди.
— 180 ўқувчи мўлжалланган янги бинони Наврўз байрамининг қўлдан чиқарамиз, — дейди ҳашарчилар ишига бошқў бўлиб турган Авазбек Жалолов. — У ишга тушгач, болаларимиз бир сме-нада ўқишга ўтишди. Бу ерда қўшимча машғулотлар ташкил этиш имконияти ҳам пайдо бўлади.
Ровустон қишлоғидаги тадбиркор Мубошёр Юнусов маҳаллада катта гузар қурди, шишакилик Абдурауф Ғозиев эса ошхона, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларидан иборат гузар барпо этди. Янги гузарга маҳалла фуқаролар йиғини идораси ҳам кўчиб ўтди. Кўпчилик манфаатини қадрлаш дегани шу эмасми?
— Гапнинг ростки, жойларда қурилиш суръатининг юқори бўлишида жамоатчиликнинг маддаи катта бўлапти, — дейди туман ҳокими Мўминжон Жўраев. — Масалан, соҳада ўтган йилнинг ўзида 2 миллиард 981 миллион сўм капитал маблағи ўзлаштирилган бўлса, унинг қарийб ярми ички имкониятларимиз ҳисобига шакллантирилди. Бугун йирик қишлоқларимизнинг бариди мактаб, боғча, ши-фонона бор, газ, сув таъминоти меъёрида. Айни пайтда асосий эътиборни янги ташкил этилган йирикта маҳаллага қарата-ятимиз. Гарчи уларнинг кўпчилигида қурилиш жараёнида бу масалалар ҳал этиб борилган бўлса-да, муаммолар ҳам етарлидир.

Зарметан қишлоғида сутни қайта ишлашга ихтисослашган Ўзбекистон — Туркия қўшма қорхонаси иш бошлаганига эндигина бир йил бўлди. Туркия технологияси асосида кунига 5 тоннагача сутни қайта ишлаш имкониятига эга ушбу қорхонада қатиқ, сариёғ, пишлоқ, сметана ва творог каби ўн турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариламоқда. «Зарметан» нинг ҳам сифатли, ҳам арзон маҳсулотлари нафақат Қизилтепада, балки Навоий шаҳри ва Бухоро вилоятида ҳам ўз харидорларини топган. Тумандаги ўнга яқин фермер хўжаликларини эса қорхонани ўз вақтида маҳсулот билан таъминламоқда.
СУРАТДА: ишчи Розия Темирова. Собир ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.



САВДОГАР БЎЛМАЙ КЕТАЙ

(Умуман тўқилмаган, ўқувчи учун кулгили, аммо муаллиф учун ўта қайғули воқеа)

Хотинларни ёмонлашмайман, лекин... Ҳар нарсани улар сабабчи бўлади-да. Қулғингиз остида мингиллаверса, асабларингизни эгавлаверса тўйиб кетаркансиз.
— Қўшимчидан ибрат олсангиз бўлмайми? Ўзи Қўйлик, ўғли Олой, хотини Фарҳод, келини Сирғали, набираси Чорсу бозорида. У ёқдан бу ёққа олиб келиб, бу ёқдан у ёққа олиб бориб сотиб пул қилишяпти, пул! Сиз фидойиман, деб мактабдан бери келая дебмайсиз. Фидойилигингизга чой қайна-мас, овқат пишмас... Гургунни бозорнинг у бошидан олиб, бу бошида сотсангиз ҳам бир-икки танга ишлардингиз.
Бунақа гаплар кунда бир марта айтилса экан. Эртадан нонушта билан бирга иччилди. Тушда, кечқурун овқатга «иштаха очар» масаллиқ бўлиб хизмат қилди. Кел, шунинг жағи тинсин, деб мактабни йиғиштирдим. Қайласан- улгуржи бозор, дея йўлга тушдим. Жа паст кетмайди, деб гургун эмас, чой олдим. Жон билан бирга асраб юрган жам-

нақа фойдадан қаторасига уч кун кўрдим. Хотин: — Аста-секин-да, даласи, аста-секин- деб қўллашини қўймайди.
— Икки юздан қолса нима? Барака инсофда, — деб чойфурушлар сафидан ўрин олдим.
Негадир улар менга ёвқараш қилишди. «Бу гурғунга қардан келиди? Унга чой сотини ким қўйибди?» деган гапларини буларнинг сардомлашини шунақа бадала керак деб, эшитмаганга олдим. Нарн тур, бери тур қилишиб қалиш бозорига ўтказиб юборинди. «Бу ерда сенга пишириб қўйибдимми? Чойингни жойини билдиб сотмайсанми, касофат!» Хуллас, қалиш бозори билан чой растасининг ўртаси — аросатдан жой тегди. Тушга-ча дайқалдай туриб бердим — бирон нега турибсан, деб ҳам қўймади. Биттаси адеб ҳам келиб қолгани, эскилардан бири чакирди олди: — Ҳов, ака, зўри бу ёқда. Ундан олиб нима қиласиз? Арзонинг моли татимас, келинг, бу ёққа.
Тушликка кетган минг сўм пул, бир кунлик нақт — топган фойдам бўлди. Бу-

галати бўлиб кета бошладим. Жамғарманнинг борига олганман бу чойини. Улгуржифурушининг қарзга бериши гумон. Пул топшиш учун бир икки кун сарғайишим керак огайинларга.
— Эртага демагин, — иккинчиси мени фикримни ўқингандай шергини инсофга чақирди. — Уч кундан кейинга топшиш мумкин акамиз тўғрими?
Бош қимирлатдим.
— Унда мана сизга ўн минг сўм закалат. Уч кундан кейин мана шу соатда, мана шу жойда учрашамиз, — биринчиси қўлимга пулни тутқазди-да, машинага ўтирди. Шериклари унга эргашиди.
Гуриллаб жўнаб кетган машина ортидан озгизми очанга котиб қолдиман.
Хотинбой бу хабарни эшитиб, гул-гул яшнаб кетди. Ҳатто, энг тўғри йўлни ҳам кўрсатиб берди: — Бунақа катта ишни қардан бошланган, машинани сотинг.
«Сени гапнинг биз учун қону» деб машинанинг эгасини янгиладик. Етмаганига онасининг ўлимини атаб

қўйган пулини қўшидик. Аммо улгуржи бозордаги акам номаралик қилди. Утган сафар мингдан бергани, бир минг икки юз деб оёқ тирайди-да. Уч юз, ҳам фойда-ю, деб айтганини бердим. Во-ҳайт! Юкни оворагарчилик бўлмасин дея бозорга туширдик. Ўзим кўриб ётибман. Хотин ҳар кун оқват олиб келади. Аммо негадир закалат берган укаларимдан дарак бўлмади турибди. Ўн беш кун ўтди, йиғирма кун... Эрта-индин бир ой ҳам ўтди. Енимдаги чойфурушлар: — Лақма бўлмай кетинг! Улгуржидаги савдогар сифатсиз чойини сотолмай ётган экан. Келган йиғилар тегиларини олиб, чойингни сотиб берамиз, дейиш-иб сизга пуллашди. Савдогар бўлмай кеткур, уларни охирагача кутасан, аммо улар бу дунёда келишмайди! — дейишяпти, лекин уларнинг гапига ишонганим йўқ.
Сабр тағи — олтин, дейдилар. Келиб қолишар, нима дедингиз?
Саид АНВАР.



қилди.
Жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги кортада бугун каттаю кичик теннис билан шуғулланмоқда.
Туманда болалар спортини ривожлантириш жағ-армаси ташкил этилган, бу мажмуа тўлалигича унинг ихтиёрига берилади. Вилоят халқ таълими бошқармаси эса бу ерда махсус спорт мактаби ташкил этди. Унда эллик нафар ўғил-қиз ўқимокда. Бугун-эрта аэробика бўлимини ҳам очиб мўлжалланмоқда.
— Шаҳарчамизда уч минг ўринли «Ёшлар маркази» ҳам ишлаб турибди, — дейди туман халқ таъли-

ҳам «зангори олов» етиб бориб, туман бўйича газлаштириш ҳажми 75 фоиздан ортиди.
Ичимлик суви таъминотидаги ўзгаришлар ҳам эътиборга лойиқ. 1991 йилда унинг тармоғи 130 километр бўлган бўлса, ҳозир 366 километрга өтди.
Айни пайтда ҳар бир қишлоқда жаҳон андозаларига мос шиφοқиллик пункти фаолият кўрсатмоқда. Тажрибали мутахассислар билан таъминланган бу масканларда анча-мунча жарроҳлик амалиётлари ҳам ўтказилмоқда. Ташбулоқ санаот касб-хунар колле-жада эса 600 нафар талаба

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

ЖАҲОН ТИНЧЛИГИГА ТАҲДИД

Бугун дунё ахборот агентликлари тарқатаётган хабарларнинг кўпчилиги Ироқ атрофидаги муаммоларга қаратилган. Бу бежиз эмас. Чунки Форс кўрфазидаги вазият кун сайин кескинлашиб бормоқда. Бунинг сабаби — битта. Ироқ ўзининг оммавий қирғин қуролларини йўқ қилишни хоҳламапти.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг аъзолари бўлган мамлакатларнинг ташқи ишлар вазирлари сўнгги олти ҳафтада уч марта Нью-Йоркда йиғилиб, ХК 1441 резолюциясининг бажарилишини муҳокама қилдилар. Албатта, турли хил фикрлар бўлди. Буюк Британия Ироққа қуролсизланиш учун 17 мартга муҳлат бериш, агар у резолюцияни бажармаса, куч ишлатиш режаси билан чиққан эди. АҚШ, Испания, каби давлатлар бу таклифни қўллаб-қувватладилар. Россия, Франция, Хитой эса куч ишлатишга қарши чиқиб, Ироққа яна муҳлат бериш тарафдори бўлди. Шу ерда бир ҳақли савол туғилади. Яна қанча кун

тиш мумкин? Маълумки, 1990 йилнинг августда Ироқ ҳеч бир сабабсиз Кувейтни босиб олган эди. Шунда Америка Қўшма Штатлари бошлиқ халқаро коалиция Кувейтни Саддам Хусайн агрессиядан озод қилганли. Мағлубиятга учраган Ироқ ўзидаги оммавий қирғин қуролларини йўқ қилишга ваъда берган эди. Шундан буён салкам 13 йил ўтди. Шу фурсат ичида Хавфсизлик Кенгаши шу масала бўйича Юдан зиёд резолюция қабул қилди. Саддам Хусайн эса қуролсизланиш ҳақида уйлаб ҳам кўрмади. Энди, бизда ҳеч қандай оммавий қирғин қуроллари йўқ, деб жаҳон афкор оммасини чағирмоқчи бўляпти.

Хўш, ростдан ҳам Ироқда бундай қуроллар йўқми? Ҳақиқий ҳолат бу гаплар мутлақо нотўғри эканлигини исботлайди. Ироқ 1980 йилдаёқ Эронга қарши урушда ўзининг кимёвий қуролини ишлатган эди. Ушундан юз минглаб бегуноҳ инсонлар қурбон бўлди. Расмий Бағдод кейинроқ кимёвий қуролларни ўз худудида яшовчи — қуролларга нисбатан ҳам ишлатди. Яна бир неча ўн минг кишининг ёстиғи қурди. Демак, бизда ҳеч қандай кимёвий, бактериологик қурол йўқ, деб айюҳаннос солишлар ёлгон.

Айрим давлатларнинг ахборот агентликлари ва оммавий ахборот воситалари АҚШ Ироқ нефтига эга бўлиш учун «зўравонлик» қилмоқда деган хабарлар ҳам тарқатмоқда. Аслида эса мутлақо ундай эмас. Америка Қўшма Штатлари Ироқ атрофида инқироз бошлангандан буён миллиардлаб доллар пул сарфла-

ди. Мабодо ҳарбий ҳаракатлар бошлангандан бўлса, талафотлар, қурбонлар ҳам бериши мумкин. АҚШга шу керакми? Ироқни қуролсизлантириш учун сарфланаётган пулларга ҳоҳлаганча нефть сотиб олиш мумкин-ку!

Ироқнинг қуролсизланиши бутун дунё тинчлиги учун керак. Чунки бу ердаги оммавий қирғин қуроллари хоҳлаган пайтда террорчилар қўлга тушиб қолмаслигига ҳеч ким қароқчи бўлмайди. Бундан ташқари, Саддам Хусайннинг халқаро террорчилар билан яқин алоқада эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу хавфни яна ҳам тўлароқ тасаввур қилиш мумкин.

Президентимиз Ислам Каримов Словакия Президентини Рудольф Шустернинг мамлакатимизга ташрифи муносабати билан ўтказилган матбуот, конференциясида Ироқ атрофидаги му-

Икки автобусдаги кўпорувчилик

Ҳиндистоннинг Ассам штатида икки автобусда содир этилган террорчилик оқибатида 6 киши ҳалок бўлди, 55 киши яраланди. Автобуслардан бирида полициячилар кетаётган эди. Жароҳатланганларнинг кўпчилиги оғир



аҳволда, деб хабар беради «Рейтер» агентлиги. Полициячилар ушбу кўпорувчиликни «Ассам озодлиги бирлашган fronti» ташкилотидан кўришмоқда.

Номаълум касаллик туфайли

Франкфурт шаҳрида Нью-Йоркдан Сингапурга учётган самолётдаги йўловчиларнинг яримдан кўпи рейсдан олиб қолинди. Гессе ерлари ҳукумати февралда Хитойнинг жанубида пайдо бўлган зотилжамнинг ҳали аниқланмаган, ўта хавфли ва тез юқувчан тури тарқалишининг олдини олиш учун ана шундай қилди, деб хабар беради «Медновости ру». Йўловчилардан бирида шу касалликнинг аломат-



лари кузатилгани сабабли изолаторга келтирилган, 155 киши Франкфуртда чекланган ҳолатда сақланмоқда.

«TOSHKENT-ZENNER» КК
 Ўзбекистон Республикаси халқини қизиқ тасаллаётган
НАВРЎ
 байрами билан табриқлаётди!
БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХИГА КУЙИДАГИ ЧЕТИРМАЛАРНИ БЕРАДИ:
 • **СОВУҚ ВА ИССИҚ СУВ УЛЧАГИЧЛАРИ — 20 ФОИЗГАЧА;**
 • **ҲАР ҚАНДАЙ ИССИҚЛИК ИСТЕЪМОЛИ УЧУН ИССИҚЛИК УЛЧАГИЧЛАРИ — 30 ФОИЗГАЧА.**
 Республика вилоятларида «Сувоқова», «Иссиқлик манбаи» ва коммунал хўжалик соҳасида фаолият юритаётган ташкилотлар ва хусусий шахсларни ўзaro ҳамкорлик қилишга чорлайди.
 Манзил: 700081, Тошкент ш., «Гаҳар» к., 122-ўй (метронинг «С.Раҳимов» бекети).
 Телефон: (3712) 79-88-60, тел./факс: (3712) 120-51-90, e-mail: zenner@tshtt.uz

TRAST LA'MINOT **ФОСФОХИМ**
 реализует со склада в Ташкенте
СМАЗКИ (пр-ва России)
 • Литол-24 • Фиол-1 • Циатим-201
 • Литол-24 РК • Фиол-2 • Смазка 1-13
 • Солидол Ж • ИП-1 л/з • Графит. жир.
 • Прессолидол Ж • ЛЗ-ЦНИИ • Технологич.СВ-1
 • Графит. термост. «ГТШ»
 • Графит. электропров. ж/д. «КЖ»
 • Графит. для горяч. пресс. «ТСГ-7»
 Упаковка: в металл. барабанах по 25 л.

ФРИКЦИОННЫЕ ИЗДЕЛИЯ
 для грузового, пассажирского и легкового транспорта:
 НАКЛАДКИ ДЛЯ ДИСКОВ СШПЛЕНИЯ,
 НАКЛАДКИ, ЛЕНТЫ ТОРМОЗНЫЕ, КОЛОДКИ,
 ПАРОНИТ, ШНУРЫ, ТКАНИ АСБЕСТОВЫЕ,
 НАБИВКИ САЛЬНИКОВЫЕ.
 Форма оплаты любая. Принимаем заявки.
 Т.: 133-56-11, 133-55-61. Ф.: 133-89-09, 133-89-15.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га 9.00 дан 18.00 гача
ЭЪЛОНЛАР 136-09-25
 132-10-63
 КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 242-хона



Сув муаммоси бўйича жаҳон форуми

Япониянинг Киото шаҳрида Сув муаммоси бўйича учинчи жаҳон форуми бошланди. Унинг мақсади жаҳон ҳамжамияти диққатини сайёрамиздаги сув ресурслари танқислиги муаммосига қаратишдир, деб хабар беради «РИА-Новости» агентлиги.
 Унда қатнашадиган БМТ экспертларининг фикрича, агар сувдан фойдаланишга масъулият қучайтирилмаса, асримизнинг ўртасига келиб 2 миллиард киши сув танқислиги билан юзма-юз бўлиши мумкин.

Афғонистон учун молиявий ёрдам

Канада Афғонистонни тиклаш учун 250 миллион Канада доллари (170 миллион АҚШ доллари) ажратди.
 Ҳукумат расмийларининг айтишича, маблағ Афғонистоннинг қишлоқ жойларига молиявий кўмак бериш, шунингдек, фойдали қазилмаларни қайта ишлаш ва мамлакатда хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш учун йўналтирилади, деб хабар беради «Рейтер» агентлиги.


Хитой ҳукуматининг янги раҳбари

Пекинда Халқ вакиллари Умумхитой йиғинининг навбат-

даги мажлисида Вэнь Цзябао ХХР Давлат Кенгашининг Бош вазири этиб сайланди.
 60 ёшли Цзябао 74 ёшли Чжу Жунци ўрнини эгаллайди, деб хабар беради «Рейтер» мухбири.

Махсус трибунал ташкил қилинади


БМТ ва Комбоджа «Қизил кхмерлар» етакчиларини суд қилиш учун махсус трибунал тузишди. Бундай қарорга ташкилот ва Пномпень 5 йилдан буён эриша олмаётган эди. Энди шартнома БМТ ва Комбоджа Миллий ассамблеяси томонидан маъқулланиши керак.
 «Қизил кхмерлар» 1975 — 1979 йиллари ҳукумат тепасида бўлган. Уша даврда 1,7 миллион киши қатл қилинган.



Мухолифатдаги марказчилар ғалабаси

Финляндияда бўлиб ўтган парламент сайловларида мухолифатдаги Марказчилар партияси озгина устунлик билан ғалаба қозонди. Сўнгги маълумотларга қараганда, ушбу партия 24,7 фоиз овоз олган. Шундай қилиб, партия 200 ўринли парламентда 55 ўринга эга бўлади, деб хабар беради «Рейтер» мухбири.

70000 дан ОРТИҚ МУШТАРИЙЛАРНИНГ ТАНЛОВИ!



UZDUNROBITA
 first cellular
GSMA D-AMPS

БИЗ СИЗНИ КУТАМИЗ!

Кечаю - кундуз маълумотлар хизмати: 130-09-09, 131-09-09, 103-09-09
 «Уздунробита» КК телефонларидан - 611.
 Тошкентдаги сервис маркази манзили: Усмон Юсупов кўчаси, 16-ўй («Лабзак»).
www.uzdunrobita.uz

Яқинда таниқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Алининг «Улуғ салтанат» номли романи босилиб чиқди.

Роман буюк бобомиз Амир Темур ҳақида. Соҳибқирон ҳазратларининг бошланғич таълими кўпгина маъмуриятда бўлиб ўтган эди. У киши ҳақида Фарба 400, Шарқда 900 дан ортиқ асар ёзилган экан. Бу ерда ҳеч бир мулоҳаза йўқ, деб ўйлайман. Бу буюк даҳо, инсон зоғи бор экан, уни ҳайратга солиб келаверади. Ҳар бир миллат, ҳар бир аълод ундаги кераклик сабабидан олдирди.

УЛУҒ САЛТАНАТ СИРЛАРИ

Соҳибқироннинг кўнглида қайтиши ХХ асрнинг 60-йилларидан бошланди. Лекин фикрлар пароканда ва қориниқ эди. Тўғри аниқлашга шикоятнинг йўл бермаслигини таъкидлаш керак эди. Ушундан у ўз даҳолигини, ҳеч бўлмаста, қалбидан сакратари, лоқал рақибларига дастмо бўлишдан, уларга қўшилиб, орқасидан тош ушлардан тийишар эди.

пойтахти сифатида кўрган эди. Не бахти, интиқлари фурсат келиб амалга ошаётди. Бироқ бу гал шаҳар унда олдингидай таассурот қолдирмади. Кўчалар тор, бинолар кўрimsiz, шаҳар девори тўқилган. Чунки у энди маъсул сифатида қарамонда эди.

Муаллиф диққатимизга шундай воқеаликни ҳавола қилади. Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, ишнинг элини бирлаштиришдан, мамлакатни мустақкамлашдан бошлади. Бу борада унинг ўз ақлидан бор. Бирлик, ҳамкорлик билангина элини шод, мамлакатни обод қилиш мумкин. Қолаверса, пайғамбаримиз бирлашмак туғини бандан тутмакни уқтирдилар... Хуллас, соҳибқирон қурултой чақиради, юрт эгаларини чорлайди. Табиийки, Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келишини ҳамма бир хил қаршилаган эмас. Қувонганлар бўлганидек, аламзадалар,

Тарихимизнинг ёрқин саҳифалари

ПЕЙДЖЕР ОЛАМИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

«PEYJING PORT» МЧЖ «ТУРОН ЛИНК-067» ШРХ

«PEYJING PORT» МЧЖнинг пейджинг алоқаси мушқулингизни осон қилади. **Жаноблар! Сизларни кириб келаётган баҳор байрами — НАВРЎЗ билан табриклаймиз ва диққатингизга «ТУРОН ЛИНК-067» ШРХнинг пейджинг алоқаси хизматини таклиф этамиз.**



ДИҚҚАТ! ЯНГИЛИК! 2003 йил 14 мартдан 10 апрелгача ажойиб чегирмалар берилади.

- ШОШИЛИНГ! Фақат бизда сизга НК типидagi пейджерни сотиб олувчилар учун пейджинг алоқасидан бепул фойдаланиш имконияти яратилади.
- **Сотиб олиш — 62000 сўм.**
- **Уланиш — БЕПУЛ!**
- **Уланган кундан бошлаб 1 ой давомида абонент тўлови тўланмайди!**
- ШОШИЛИНГ! 3 ой аввал пейджерлари ўчирилган абонентлар қайтадан уланишини истасалар:
- **уланиш — БЕПУЛ!**
- **уланган кундан бошлаб 1 ой давомида хизмат кўрсатиш учун абонент тўловининг 50 фоизи тўланади.**

«ТУРОН ЛИНК-067» пейджинг алоқасини танлаганингиз билан сизни табриклаймиз.

ИШБИЛАРМОН ВА ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛАДИГАН КИШИЛАР УЧУН МАЪЛУМОТ — «PEYJING PORT» МЧЖ НК типидagi янги пейджерларни сотиш бўйича штатсиз савдо агентларини ишга қабул қилади.

«ТУРОН ЛИНК-067» ПЕЙДЖИНГ ХИЗМАТИ — СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ ГАРОВИ!

Манзилчаси: Тошкент ш., Амир Темур к., 24-уй. Телефонлар: 133-85-04, 144-26-78, факс: 133-53-31.

«Ватан учра Ватан»

Ҳар ойнинг иккинчи шанбаси Қашқадарёда «Маҳаллалар кўни» деб эълон қилинди. Шунга кўра «Қашқадарё» газетасининг 8 март сониди «Ватан учра Ватан» кўш саҳифаси чоп этилди. Маҳаллалар ҳаётига бағишланган ушбу кўш саҳифа ҳар ойда бериб борилади. Демак вилоятдаги маҳаллаларда «Обод маҳалла йили» муносабати билан амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ҳақида сўз юритилади. Бу яхши,

албатта. Айниқса, вилоят ҳокимлиги томонидан танқидий мақолаларни ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи тузилган бир пайтда. Айтиш мумкинки, «Қашқадарё» журналистлари фақат «Маҳаллалар кўни»дагина эмас бошқа вақтларда ҳам «Ватан учра Ватан»га тааллуқли сўзларни газетхонлардан дариг тутмайдилар.

Н. РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ABN·AMRO Bank

АБН АМРО БАНК ЎЗБЕКИСТОН МБ А.Ж.

Меҳнатсевар Ўзбекистон халқини гузал баҳор айёми НАВРЎЗ билан самимий табриклайди!

Барчангизга оилавий бахт-саодат, фаровонлик ва мустақкам саломатлик тилаймиз!

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Телефонлар: Газетхонлар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

«ШАРҚ-ШАРҚ» ДАСТУРИ

Очик жамият институтининг «Шарқ-Шарқ» тармоқли дастури ҳамкорлик дастури бўлиб, халқро ҳамкорлиқни ривожлантириш мақсадига қаратилган. Дастур жамият ривожланишининг долзарб ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш мақсадида тажриба алмашиш ва маълумот олиш учун имкон яратади.

«Шарқ-Шарқ» дастури ўз лойиҳаларини бажаришда икки ёки ундан ортиқ мамлакатлар жалб қилинган тақдирда Сорос жамғармаси бўлимлари ва филиаллари тармоқлари ҳамда Марказий ва Шарқий Европа, Марказий ва Жанубий-Шарқий Осиёдаги ҳамкорлик ташкилотлари орқали ривожлантиради.

Дастур доирасида маданий ва илмий йўналишлар, демократизация ва ислохотлар, инсон ҳуқуқлари, ҳар хил этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, ёшлар ва талабалар муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий муҳофаза қилиш, саломатлик ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишга қаратилган узаро лойиҳалар амалга оширилади.

Лойиҳалар семинар, юмалоқ стол, тренинг, тажриба алмашув, ишчи учрашув шаклларида ўтказилиши мумкин.

Амалга татбиқ этиш
Грантларни ажратиш танлов асосида амалга оширилади. Танловда нодавлат ва давлат ташкилотлари, ўқув юртлири ва ҳар хил профессионал уюшмалар иштирок этишлари мумкин.

Аризалар йил давомида тадбир бошланишига уч ой қолгунгача қабул қилинади. Дастурни молиялаштиришда ўз ҳиссасини кўша оладиган ташкилотларга устуллик берилади.

Танловда иштирок этиш учун ариза топшириш лозим.
Ариза намунасини Ўзбекистон очик жамият институтида ёки куйидаги электрон почта east-east@osi.uz орқали олиш мумкин.

«ШАРҚ-ШАРҚ» дастури куйидагиларни қўллаб-қувватламайди:

- бугунжаҳон конгресслари ёки конференциялари;
- аниқ фанлар ёки илмий конференциялар;
- индивидуал тадқиқот лойиҳалари;
- санъат соҳасидаги воқеалар;
- китоблар таржимаси ва ноширлик;
- инфрақурулмани қўллаб-қувватлаш ёки ривожлантириш;
- бизнес, тижорат тадбирлар ва фойда олиш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар.

Аризалар куйидаги манзилда қабул қилинади:
700031, Тошкент ш., Зарбоғ к., 31-уй.
Телефонлар: (99871) 120-50-10/11, 120-54-10/11/12/13.
Факс: (99871) 120-68-54.
Электрон почта east-east@osi.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ» НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралминов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбаров, О. Қашбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Хайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Телефонлар: Газетхонлар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Рўқбатланган ўқиш тартиби № 00001
Буқитим I — 253, 34889 нусхалда босилган.
Ҳажми — 2 табоқ. Объект усулида босилган.
Қотоз бичими А-2
Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамиди ТОВАЕВ ва Аббар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қўлдан эълм материаллар қабул қилинмайди.
[] — Тижорат материалли

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — Х. Каримов.
Набатчи — М. Нормуродова.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топшириш — 21.30 1 2 3 4 5 6